

Фитр намозига чиқишдан олдин қилинадиган амаллар | Фикҳ дарслари (258-дарс)



19:00 / 30.11.2023 2713

Улар қуйидагилардан иборат:

1. Таом ейиш.

لَا أَقُوعُ نَعْلِي هَلْ لِي ضَرْسَنَ نَعْلِي
هَلْ لِي لَصْ هَلْ لِي لَوْسَرَنَ نَاك
مَوِي وَدَعِي أَلَمَّ لَسَوِ هِيَلَع
تَارَمَت لُكْ أَيْ تَحْرُطِفُ لِي
يَرَاخُبُ لِي هَاوَر. أَرْتَوُ نُهُ لُكْ أَيْ وَ
نَاك: هِيَلِي هَاوَر يَفَو. هِيَلِي ذِمَّرْت لِي هَاو

يُتَحَرِّطُ فُلَانٌ مَوْيٌ جُرْخِي آلَ
مَوْيٍ مَغْطِي آلَ وَ، مَغْطِي
يَلْصُقِي يَتَحَرِّطُ خُضَّالًا

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Фитр куни бир неча хурмо емасдан туриб чиқмас эдилар. Тоқ ер эдилар».

Бухорий ва Термизий ривоят қилишган.

Бошқа бир ривоятда:

«Фитр куни таом емасдан олдин чиқмас эдилар. Қурбонлик куни намозни ўқиб бўлмагунча емас эдилар», дейилган.

2. Мисвок.

Ҳар бир намоз учун мисвок қилиш марғуб бўлганидек, Ийди Фитрдан олдин ҳам мисвок қилиш марғубдир.

3. Фусл қилиш.

نَا: دُعَسْ نَبْ هَكَافُلَا نَع
هَلَلَا يَلَصُقِي هَلَلَا لُوسَر
لَسَتُغَيِّنَاكَ مَلَسَوِ هَيَلَع
رَحْنَلَا مَوْيٍ وَرَطِيفُلَا مَوْيٍ

هَجَامٌ نُّبَاهَاوَر. ۞ فَرَعَمُ وَيَو

Фокиҳ ибн Саъд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Фитр, Қурбонлик ва Арафа кунлари ғусл қилар эдилар».

Ибн Можа ривоят қилган.

4. Хушбўй суртиш.

Кишилар кўп тўпланадиган жойларга хушбўй нарсa суртиб бориш мандуб бўлгани учун ийд куни хушбўй суртилади.

5. Энг яхши кийимларини кийиш.

نُبَا ثِي دَحْ نَمْ هَجَامْ نُبَا يَوَر
هَّنَا : اَمُ هَنْعْ هَلْ لَا يَضَرَّ سَابَع
مَلَسَوِ هَيْلَعْ هَلْ لَا يَلَّصْ نَاكْ
هَذْرُبْ نِي دِي غُلَا ي فُ سَبْلِي
هَذْرُبِحْ

Имом Ибн Можа Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилади:

«У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам икки ийдда ҳибара чопон кияр эдилар».

«Хибара» – Яманнинг машҳур кийими.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жума ва ийд учун алоҳида яхши кийим кийишлари маълум ва машҳур.

هُلِّلَا يَضَرِّسْ أَبَعِ نُبَا نَع
لُؤْسَرَضَرَفَ : لَأَقِ أُمُهُ نَع
هُيَلَعُ هَلِّلَا يَلَصَّ هَلِّلَا
ةَرُهُ طَرِطِفُ لَأَةَ كَزَمُّ لَسَو
، ثَفَّرَلْ أَوْ وُغِّلَلَا نَمِ مِئْ أَصْلَل
أَهَادَا نَمِ ، نِي كَسَمْلَلْ ةَمُغُّ طَو
ةَ كَزِي هَفِ ةَالِّصْلَلْ لُبَقِ
دَغَبْ أَهَادَا نَمَو ، ةَلْ وُبُقَمِ
نَمِ ةَقَدَصِي هَفِ ةَالِّصْلَلْ
دُوَادُ وُبَا هَاوَر . « تَأَقَّدَصْلَلْ
. هَحَّحَّصَو مَكَاخْلَلْ أَوْ هَجَامُ نُبَاو

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам фитр закотини рўзадор учун беҳуда гап-сўз ва ҳаракатлардан покланиш ва мискинлар учун таомланиш бўлсин деб фарз қилдилар. Ким уни намоздан олдин

адо қилса, у мақбул закот бўлади. Ким уни намоздан кейин адо қилса, садақалардан бири бўлади».

Абу Довуд, Ибн Можа ва Ҳоким ривоят қилишган. Ҳоким саҳиҳ, деган.

Садақаи фитрни ийддан бир неча кун олдин берса ҳам бўлади.

Ийд намозига чиқишдан олдин қилинадиган амалларнинг «Мухтасар»да зикр қилинмаганлари ҳам бор. Масалан:

7. Икки ийд кечаларини ибодат ила ўтказиш.

Бунда кечанинг ҳаммасини ёки охирги учдан бирини зикр, намоз, Қуръон тиловати, такбир, тасбеҳ, истиғфор билан ўтказилади.

هَيْلَعُ هَلَلَايْ صَيَّبْنَلَا نَع
ةَلَيْلَايْ حَا نَم» : لَاقَ مَلَسَو
مَلَايْ خُضَالَاةَلَيْلَاوَرُطِفَالَا
تُومَتَ مَوِيْ هُبْلَقُ تُمِي
يَنَارَبُّطَالَا هَاوَر. «بُؤْلُقَالَا
تِمَّأَصْلَا نَبَةَدَابُعُ نَع

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким Фитр кечасини ва Қурбонлик кечасини (савоб умидида) бедор ўтказса, қалблар ўладиган кунда унинг қалби ўлмас», дедилар».

Имом Табароний Убода ибн Сомитдан ривоят қилган.

Икки ийд кечасида қилинган дуолар мустажобдир. Шунинг учун эртага ийд, деган кечада кўп дуо қилиш ҳаракатида бўлиш лозим.

8. Муқтадий кишилар ийд намозига виқор билан, такбир айтган ҳолларида эртароқ, пиёда борадилар. Намозга қанчалик кўп интизор бўлинса, савоби шунчалик кўп бўлади.

بِلَاطِ يَبْأَنْبِىِّ لَعْنَعُ
نَمْ: لَأَقُ هُنَّعُ هَلْ لَ يَضَرُ
دِيْغُ لَ يَلْ إِجْزَخَتْ نَأْةً نُّسْ لَ
يُذِمُّ رَّتْ لَ هَاوَرُ. أَيَّ شَامُ

Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Ийдга пиёда чиқиш суннатдир».

Имом Термизий ривоят қилган.

Имом ийдга намозга етиб борадиган бўлиб чиқиши суннатдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам доимо шундай қилганлар.

9. Аҳли аёлга кенгчилик ва серобчиликка шароит яратиш. Нафл садақаларни имконига қараб, одатдагидан кўпроқ қилиш.

10. Кўринган ҳар бир мусулмонга хурсандчилик ва шодлик изҳор қилиш. Яқин кишиларни, ёру дўст ва аҳбобларни зиёрат қилиш.

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.